

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА
ФАКУЛТЕТИ**

КУРС ИШИ

МАВЗУ: ТЕЛЕИНТЕРВЬЮ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Бажарди: Эркинова Н

«ТОШКЕНТ-2014 й»

Режа:

Кириш

Асосий қисм:

1-боб. ОАВлари интервью жанрининг ўзига хос хусусиятлари

2-боб. Телеинтервьюларнинг тили ва услуби

Хулоса

Адабиётлар рўйхати:

Кириш

Ҳозирда журналистик асарлар жанрларини гуруҳлаштиришда турли ёндашувлар мавжуд. Бу ҳолат журналистикада мазмун ва шакл уйғунлигини таъминловчи янги жанрларнинг пайдо бўлиши, эскиларини амалиётдан мантикий равишда чиқиб кетишини тақазо этади. МДХ журналистикасида асарлар уч йирик жанрлар тизимида, яъни ахборот, таҳлилий ҳамда бадиий-публицистик жанрларда яратилади. Ғарб журналистикасида эса материаллар асосан янгилик ва очерк тарзида оммага етказилади.

Шу ўринда интервью ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у оммавий ахборот воситалари фаолиятида икки хил маънода қўлланилади:

ахборот жанри маъносида;

сўров, мулоқот воситасида маълумот олиш усули;

Шу жиҳатдан баъзан оммавий мулоқот, баъзида эса диалог ёхуд бошқа савол-жавоблар кўринишида ифода этилувчи интервью қурилиш усуллари ва шаклига кўра ОАВларнинг бошқа жанрлари билан боғлиқдир.

Телеинтервью овоз, тасвир, мусиқа ёхуд шовқин уйғунлигида томошабинга етиб бориш билан жанрнинг қамров ва таъсир доирасини янада кенгайтирди.

Ҳозирда интервью жанри Интернет журналистикада ҳам кенг қўлланилаяпти.

Бутун жаҳон ўргимчак тўри тизимида респондентдан ахборот олиш интервью учун қулай бўлиши, ҳар икки томонинг вақтини тежаши баробарида телефонда ўтказилган суҳбат сингари ишончли бўлишга тўлиқ кафолот йўқ. Боиси журналист респондент билан юзма-юз ўтириб, унинг нигоҳини, хатти-ҳаракатини бевосита кузатиб суҳбатлашмайди.

Агар авваллари ахборот кишиларнинг маълумот эҳтиёжи бўлса, ҳозирда у журналистларга катта даромад келтирувчи товар ҳамдир. Боиси «қайноқ» нуқтадан, бирламчи ва ишончли манбадан олинган ахборотга талаб катта бўлиб, уни олишнинг энг қўлай усули интервьюдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги ахборот асрида интервью техникаси янада такомиллашиб, жанр хусусиятлари ҳам ривожланиб бораёпти.

Сиёсатчи ҳам, ҳуқуқшунос-у, ишбилармон ҳам ҳар куни, ҳатто ҳар соатда дунёда қандай воқеалар рўй бераётгани, кашфиётлар қилинаётгани ёхуд бошқа ўзгаришлар ҳақида билишни хоҳлайди. Шу жиҳатдан, ОАВ тарқатаётган хабарлар кенг жамоатчиликни маҳаллий ва хорижий ахборотлардан хабардор қилиш билан уларнинг билимини ўстиришга ҳамда дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиляпти. Ахборотнинг бундай кундалик энг муҳим «истеъмол манбаси»га айланиб бориши эса уни топиш, тўплаш ва тарқатиш жараёнини янада тезлаштирди. Бу эса оммага биринчи бўлиб етказилган ахборот қимматини ошириб, уни «пуллаш» имконини ҳам берди. Ахборотнинг тўлақонли бўлишида эса, аввал ҳам таъкидлаганимиздек, интервью муҳим рол ўйнайди.

Мавзунинг долзарблиги. Йигирма биринчи аср - ахборот асрида ахборот айирбошлаш суръати жадал ошиб бормоқда. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида маълумотларни кўплаб, тез тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва етказиш қанчалик жадал бўлса, иқтисодий самара шунчалик юқори бўлиши аксиомага айланди. Айниқса реклама мақсадидаги интервьюларнинг кадри ошиб кетди. Чунки булар истеъмолчига тўғридан тўғри компания, фирма вакили ёки йирик мутахассис ёхуд товар истеъмолчисининг ўзидан бошқа истеъмолчига етиб боради. Ҳозирги вақтда кечаётган кўп жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ахборот айланиш тезлигига боғлиқ. Воқеа жойидан, энг биринчи, ишончли мабаадан маълумот олиш ва уни зудлик билан оммага етказиш ахборот журналистикасининг энг асосий вазифасидир. Биз бежиз ахборот асри ва журналистикаси ҳақида сўз юритмадик. Боиси, мавзуимизда ахборот журналистикасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган интервью ва уни ўтказиш тартиб-қоидаларининг назарий асослари баён этилиб, амалий намуналари таҳлил қилинади. Шу маънода курс иши долзарблик касб этади.

Илмий янгилиги. Курс иши ушбу жанр хусусиятлари, унинг бошқа жанрлар билан ўзаро алоқаси ҳамда бугунги журналистикадаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилинди. Айниқса, телеинтервьюларнинг

жанрий, тил ва услубий хусусиятлари бундан мустасно эмас. Ҳозиргача жаҳон журналистикасида интервью жанрига оид қатор илмий-амалий қўлланмалар ёзилган бўлиб, бу борада юртимиз назариятчи ҳамда амалиётчи журналистларининг ҳам ўқув-услубий китоблари эълон қилинган. Курс ишида ана шу адабиётлар асосида ёзилган, таҳлил этилган, унда интервью ўзига хос жанрий-услубий хусусиятига эга эканлиги, ифода услуби, мазмун-моҳиятига ҳамда журналистнинг иштирокига кўра суҳбатдан фарқ қилиши, уни олиб боришда қўлланилаётган янги, самарадор усуллар ва интервьюер маҳорати борасида атрофлича тўхталинган.

Курс ишининг мақсад ва вазифаси. Интервьюнинг қаерда, қай ҳолда ва шароитда олиниши зарурлигини аниқлаш, бунда журналистнинг фаолияти қандай ташкил этилиши кераклиги, респондентни қай тарзда интервьюга тайёрлаш лозимлиги шунингдек, телевидение интервьюларнинг ўзига хос жиҳатлари ва турларини баён этиш, ишнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Бевосита телеинтервьюларни таҳлил қилиш **асосий вазифа** қилиб белгиланган.

Курс ишининг объекти ва предмети. ЎзМТРК дастурларида эфирга кетган интервьюлар тадқиқот объекти ҳисобланади. Уларнинг жанри, тили ва услубини таҳлил этиш ишнинг предмети ташкил этади. Курс ишининг объекти телеинтервьюлар бўлиб, предмети интервью турлари, уни ташкил этиш усуллари ва воситалари ҳамда саволлар тизимидир.

Курс ишининг назарий ва методологик асослари. Ўзбек ва хорижий муаллифларнинг интервьюга бағишланган илмий асар ва мақолалари ишнинг назарий асосини ташкил этади. Мавзуни ёритишда қиёслаш, синтез, таққослаш, таҳлилдан фойдаланилди. Интервью мавзуини ўрганиш ва унинг қирраларини очишда «Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти», «Журналистиканинг ўн қоидаси», «Технология интервью», «Интервью и опросник: форми, процедури, резулътати» ва «Жанры периодической печати» каби дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланилди.

Курс ишининг тузилиши. Курс иши кириш, икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда асосан назарий фикрлар баён этилган бўлиб, уларда оммавий ахборот воситаларидаги, хусусан, телевидениедаги интервьюлар ҳақида сўз боради.

Иккинчи бобда телеинтервьюлар матнларининг тили ва услуби ҳақида сўз юритилади, матнлар таҳлил этилади.

1-боб. ОАВлари интервью жанрининг ўзига хос хусусиятлари

Мазмун, моҳияти ва ифода усулига кўра ахборот жанрлари сирасига кирувчи интервью маълум шахс (давлат арбоби, фермер, шифокор ёхуд умуман бирон-бир касбдаги инсон) билан бирор мавзу юзасидан маълумотлар олишга қаратилган суҳбат демакдир. Жанрнинг алоҳида хусусияти савол-жавоблар асосида маълумот етказиш бўлиб, интервью олиниш усулига кўра, иккига ажратилади: эркин ва стандартлашган интервьюлар.

1. Эркин интервью узоқ вақт давом этадиган ихтиёрий суҳбат бўлиб, савол-жавоблар мавзу тўла очилгунга қадар давом этади ҳамда бу турда журналист суриштирувчи сингари саволларни изчилликда беради, респондент эса жараённинг фаол эъзоси сифатида ҳар бир саволга жавоб бериб боради. Интервью олишнинг бу усули мавзунини тўла очиш, кўп ва ҳўп маълумотлар бериш билан бирга суҳбатдош шахси билан яқиндан танишда муҳим аҳамият касб этади.

Эркин интервьюни олиш гарчи кўп вақт талаб этса-да, у жамоатчиликнинг сифатли ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунингдек, бу усул оммавий ахборот воситаларининг ҳар бирида муваффақияти қўлланиши имкониятининг борлиги билан самарали ҳисобланади. Стандартлашган интервьюлар анкеталардек намоён бўлади. Яъни бунда савол-жавоблар юзма-юз эмас, балки махсус анкеталарда ифода этилган ижтимоий сўров тарзида амалга ошади.

Эркин интервью суҳбатдошнинг фикри ва жавобларига кўра олиб борилса, стандартлашган интервью фақат анкетадаги саволларгагина асосланади. Бу икки усулнинг фарқли томони биринчи усул бир киши ёхуд жамоа иштирокида ҳам ўтказилади, иккинчи усул асосан кўпчилик иштирокини талаб этади. Шунингдек, биринчи усул турли мавзуларни ёритишда қўлланилса, иккинчи усул жамоатчилик эътиборига лойиқ масалалар юзасидан тайёрланиб, унда журналистдан сўз юритилаётган мавзунини яхши билиш ва саволларни равон ифодалаш талаб этилса, иккинчи усул матний пухталикини тақозо этади.

Журналистика асарини тайёрлаш учун эркин интервьюлар қулай бўлиб, амалиёт ҳам улардан аксарият ҳолларда фойдаланилаётганлигини тасдиқлапти. Бироқ айрим журналистлар томонидан унинг меъёрлари қўпол равишда бузилапти. Бу ҳақда кейинги бобда сўз боради.

Интервью мазмун моҳияти ва ифода услубига кўра портрет интервью, протокол интервью, диалог интервью, анкета интервью, матбуот анжумани, давра суҳбати, интервью лавҳа, фикр интервью, хабар ва сукут интервью каби турларга бўлинади.

1. Портрет интервью – бу маълум шахс ҳақида тўла маълумот олишга қаратилган жанр бўлиб, унда қаҳраон қиёфасига чизгилар аввало, журналист, қолаверса унинг ўзи, ёру дўстлари ва яқин кишилари томонидан ифода этилади. Интервьюнинг бу тури автопортрет деб ҳам юритилади.

2. Протокол интервью – бирор сиёсий арбобдан расмий ахборот олишга қаратилган савол-жавоб бўлиб, у маълум воқеа ёки ҳодиса ва санага оид атрофлича муносабатни билиш учун қўлланилади. Асосан маълум қолипдаги саволлар берилувчи интервьюнинг бу тури монолог-интервью деб ҳам юритилади. Унинг ўзига хос томони журналистнинг бир саволига бериладиган атрофлича яхлит жавоб ҳисобланади.

3. Диалог интервью – журналист ва респондент ўртасидаги савол-жавобдан иборат бўлиб, бу интервьюнинг дастлабки кўринишлардан бири ҳисобланади.

4. Анкета интервью – жамоатчилик орасида ўтказиладиган экспресс сўровдир. Бунда ҳаммага бир хил саволлар берилиб, жавоб олинади. Анкета интервьюдан, одатда, бирор сиёсий воқеа-ҳодиса ҳақида омманинг фикрини билишда ёхуд бирор воқеа-ҳодиса ва парчага муносабатни аниқлашда фойдаланилади. Интервьюнинг бу тури блицинтервью деб ҳам юритилади. Унинг ўзига хос томони айнан бир хил саволларга кўпчилик фикрини тўплаш ҳисобланади.

5. Матбуот анжумани. Унда ижтимоий аҳамиятга эга шахслар ўз фаолиятлари ёхуд амалга ошираётган ишлари ҳақида оммавий ахборот

воситалари ходимларининг саволларига жавоб беришади. Ҳозирда матбуот анжуманини йирик тадбирлар, хусусан халқаро кўргазма ва анжуманлар олдида ўтказиш одат тусига кирди.

6. Давра суҳбати (стол атрофидаги интервью). Унда журналист бир гуруҳ суҳбатдошларга савол беради ва улар ўз навбатида савол кимга қаратилганлигига кўра жавоб қайтарилади. Бу хил интервью одатда ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар, нарсаларга бағишланган бўлиб, унда асосан мавзу кўламига кўра мутахассислар таклиф қилинади ҳамда улар журналистнинггина эмас, балки ўз ўрнида, аудитория ҳамда кўнгироклар орқали берилган саволларга ҳам жавоб беришади. Интервьюнинг бу турини бевосита мулоқот сифатида қўллаш ҳам мумкин. Интервьюнинг бу тури айрим адабиётларда диалог интервью билан ҳам уйғунликда берилмоқда. Аммо, диалог икки киши ўртасидаги суҳбат боис биз уларни алоҳида-алоҳида тартиблаш лозим деб топдик.

7. Интервью лавҳада савол-жавоблар тизими суҳбат мазмунига қўшимча детал, кайфият ва яна бошқа маълумотлар эвазига тўлдирилади. Интервьюнинг бу турида баъзан объект шахсига маълум чизгилар берилади. Бу хил интервьюни, турли мавзуларда қўллаш мумкин бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг маълум даври, соҳаси ҳамда кишилари ҳаракатига боғлиқ тарзда тайёрланади.

8. Интервью хабар. Унда респондент ўзи ишлаётган ёхуд таълим олаётган соҳа, иштирок этаётган анжуман ёхуд танловга оид янги факт, ҳодиса, жараёнлар ҳамда ўзгаришлар борасида журналистга маълумот беради. Баъзан ОАВ ходими суҳбатдошнинг жавобларини ўз матнида баён тарзида келтиради.

9. Интервью фикр – маълум ижтимоий аҳамиятга молик шахснинг долзарб муаммо, факт, воқеа ва ҳодисаларга муносабатини ифода этувчи суҳбатдир. Бу интервью тури маъно ва моҳият жиҳатидан протокол (монолог) интервьюга яқин турса-да, юқорида таъкидлаганимиздек, протокол интервьюда мухбирнинг бир саволига атрофлича яхлит жавоб берилади ва

савол-жавоб эркин усулда ташкил этилиб фикрлар нафақат сиёсий нуқтаи-назардан баён этилади, балки унда шахсий муносабат ҳам ўз ифодасини топади.

10. Сухбат интервью – интервьюнинг энг кам қўлланиладиган тури бўлиб, одатда, бундай интервью маълум давозимдаги шахс мухбир саволларига жавоб беришдан бош тортаётган вазиятда тайёрланади.

11. Сукут интервью - телевидение фаолиятида яққол намоён бўлади, шунингдек, радиода журналист сўзи, матбуотда эса матн орқали ифодаланади. Аслида «Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар тўқрисида»ги қонуннинг 14-моддасига кўра интервьюга муаллифлик ҳукуқи интервьюер ва респондентга тегишли бўлиб, у ҳар икки томон розилиги билангина эълон қилиниши мумкин».¹

Сукут интервью эса бундан мустасно тарзда эълон қилинади. Боиси, йўналтирилган сухбатдош одатда қонунан жавоб бериши шарт киши ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари интервью жанр ҳамда сўров, мулоқот воситасида маълумот олиш усули сифатида намоён бўлади ва журналистик асарларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Ахборот жанрлари таркибига кирувчи интервьюнинг мазмун-моҳияти, олинishi, ифодаланиш усули ва мақсадига кўра бир неча турлари фарқланади. Унинг Айни шу хусусиятларини курс ишида мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилдик. Курс ишида интервью иштирокчилари кимлар бўлиши ҳамда сухбат жараёнидаги ҳар икки томон масъулияти борасида ҳам тўхталиб ўтилган.

Интервью ёзувига бўлган муаллифлик ҳукуқи муаллифлар тариқасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса тегишлидир.

¹ Тўртинчи ҳокимият. Қонунлар, қарорлар, тадбирлар. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 26-бет.

Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.¹

Бугунги кун оммавий ахборот воситалари фаолиятида, кўп ҳолларда, жанрга бефарқликни кузатиш мумкин. Яъни газетани ўқиш, радиони тинглаш ҳамда телекўрсатувни кўриш жараёнида баъзан журналистика асарида қайси жанр етакчилик қилаётганлигини, ифода мақсадини англаш мушкул. Шунингдек, суҳбат билан интервьюни фарқламай фаолият юритаётган журналистлар ҳам талайгина. Гарчи ҳозирда /арб журналистикасида асарлар янгилик ва очеркгагина ажратилса-да, МДХ, шу жумладан, ўзбек журналистлари ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда ижод қилишяпти. Шунга кўра диссертацияда ОАВ жанрлари, хусусан, интервью жанрининг ўзига хос хусусиятларини назарий амалий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Журналистикада жанр асарнинг мақсади, йўналиши, танланган объектнинг моҳияти, ҳаётий факт, ҳодиса ва ҳолатларнинг таҳлил қилиш усули ва хулосалар миқёси, шунингдек, композицион-услубий хусусиятлар билан белгиланади, шу боис, аввало, интервью, хусусан, телеинтервью ҳар жиҳатдан тўлиқ бўлиши керак. Яъни унда маълумот, тафсилот ва мавзуга доир тасвирнинг ўзаро уйғунлиги талаб этилади.

Интервью тайёрлаган журналист танланган мавзуга кўра савол-жавобда бирламчи ахборот манбааларига ҳамда энг муҳим тавсилотларга эътибор қаратиш лозим.

Телеинтервью савол-жавоблар тизими эканлигини ҳисобга олсак, бу жараён мантикий ва онгли кечиши даркор. Яъни саволлар қисқа, аниқ ва лўнда берилиши ҳамда респондентни чалғитмаслиги лозим.

Телеинтервью жараёнида журналист доимо ўзининг халқ ва респондент ўртасидаги, таъбир жоиз бўлса, кўприк эканлигини унутмаслик лозим. Шу жиҳатдан, респондентга у ўзини қизиқтирган саволларни эмас, балки кўпчиликка аҳамиятли саволларни бериши, томошабин талаб ва

¹ Тўртинчи ҳокимият. Қонунлар, қарорлар, тартиблар. –Т.: Ўзбекистон, 1998, 26-бет.

эхтиёжидан келиб чиқиб интервьюни олиб бориши керак. Лекин шундай журналистика асарлари ҳам борки, хусусан, интервьюлар, буларни аудиториянинг савияси даражасига мослаш мақсадга мувофиқ эмас.

Телеинтервью интервью телевидение жанрлари ичида энг ёши хисобланиб, матбуот ва радиointервьюнинг тажрибасини янада бойитди.

Газета ёхуд журнал интервьюси матндагина акс этгани боис уни доимо ўзгартириш ва тўғрилаш имкони бор. Радиointервью эса тўғридан тўғри эфир орқали узатилаётган савол-жавоб қандай кечса, тингловчига шундайлигича етиб боради. Бироқ интервью эшиттиришдан аввал ёзиб олинса, унда респондент фикрини ўзгартириш ҳамда бойитиш имони бўлмаса-да, саволлар ўрнини алмаштирилиб, жавобларнинг ҳам лўнда ҳамда керакли қисми сақлаб қолинади.

Телеинтервьюда ҳам худди шу усулни қўллаш мумкин бўлиб, унда савол-жавоб қаерда ўтказилишидан қатъий назар томошабин жараённи, мавжуд муҳитни, суҳбатдошнинг ҳолати-ю, жавоб бериш тарзини, юз киёфасини ҳамда руҳий ҳолатини кўриб, кузатиб боради.

Телеинтервью бир томондан суҳбатдош, иккинчи томондан журналист ва аудитория мулоқотига асосланган жанр бўлиб, томошабинга икки хил кўринишда етазилади.

Биринчидан, журналист, аудитория ва суҳбатдош билан бевосита эфирдаги жонли мулоқот кўринишида (бунда студиядаги иштирокчи томошабинлардан ҳам савол йўллашлари, шунингдек журналист айна суҳбат бўлаётган мавзуга доир хатлардан саволлар бериши ҳам мумкин).

Иккинчидан, телеинтервью суҳбатдош, журналист ва аудитория билан бўлган мулоқот аввал ёзиб олиб, сўнгра эфирга узатиладиган кўринишда бўлади. Биринчи кўринишдаги интервью монтаж қилинмаслиги боис, журналистдан катта масъулият, билим ва малака талаб этади. Негаки, суҳбатдош ва аудитория билан бевосита эфирда мулоқот қилинаётган журналист аввало интервью мавзуга кўра энг зарурий ва керак бўлса, қўшимча саволлар рўйхатини тузиб олиши, эфир орқали кўрсатув бошланмасдан аввал суҳбатдоши билан самимий муносабатни йўлга қўйиб, респондентни бўлажак интервьюга йўналтириши, тайёрлаши керак. Эфирда бевосита амалга ошириладиган телеинтервьюда журналистнинг касбий

маҳорати, ижодий масъулияти, айниқса, аҳамиятлидир. Бу жараёнда журналист ўзаро мулоқот қилишдан ташқари айти шу мулоқотни бошқариб ҳам боради. Зарур ҳолларда (агар суҳбатдош олдиндан белгиланган мавзудан четлашиб, бошқа мавзу ёки фикрни баён қилишга ўтиб кетса) журналистик одоб доирасидан чиқмаган, суҳбатдошнинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда респондент гапини бўлиб, мавзуга доир саволлар бериш билан уни мавзуга қайтариб, аниқ ва тўлақонли маълумотларни олишга ҳаракат қилиши жоиз. Бевосита эфирдаги интервьюни қисқартириб (монтаж қилиб) бўлмаслиги журналистдан белгиланган вақт ичида барча имкониятларни ишга солиб интервьюни мазмунли ўтказишни талаб этади. Бу телеинтервьюнинг ўзига хос, энг аҳамиятли жиҳати ҳисобланади. Зеро, у тўғридан-тўғри эфир кетаётган дақиқаларда бўлиб ўтаётганлиги, аудитория учун мутлақотнинг янгилиги билан ажралиб туради. Қолаверса, унда айти шу мавзуга қизиқиш билдираётган кишилар учун савол бериш имконияти мавжуд.

Иккинчи кўринишдаги интервью эса вақт ва бошқа имкониятлар жиҳатидан биринчи турга нисбатан анча чекланган ҳисобланади. Негаки, мазкур интервьюни мавзуга алоқасиз гап-сўзлар, ортиқса қайтариқ ва фикрлардан ҳоли қилиб монтаж қилиш имкони борлиги туфайли қайта ишланганлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бу интервью ҳамиша ҳам айти белгиланган пайтга ҳослик хусусиятига эга бўлмаса-да, муҳими айтилиши зарур бўлган фикрларнинггина ифодаланиши билан афзал ҳисобланади.

Телевидение бошқа оммавий ахборот воситаларидан тасвирийлиги, овоз, шовқин, мусиқа ҳамда тасвирни бир вақтнинг ўзида ўзаро уйғун ҳолда ифодалаши билан фарқли ва ўзига ҳосдир. Айти шу хусусиятлари сабабли телевидениедаги интервью томошабинга фақат бирор мавзу юзасидан маълумотлар берибгина қолмайди, балки уларни суҳбатдош сиймоси билан ҳам таништиради, томошабинларда суҳбатдош шахси борасида маълум таассурот уйғотади. Бунга суҳбатдаги оҳанг, мавзуни, унинг суҳбатдош томонидан ёритилиши, суҳбат ўтказилаётган ҳолат ва муҳит ҳам кўмак беради.

Суҳбатдош мазуни қай даражада билиши ёки билмаслиги, мавзуга, интервьюерга, умуман, омма муносабати, руҳияти, кайфияти, табиати ва журналистнинг ҳам мавзуга тайёрланганлиги, суҳбатдошига муносабати, интервью олиб бориш маҳорати барча-барчаси томошабин кўз ўнгида намоён бўлади. Телеинтервью, балки айнан шу хусусиятлари билан бошқа оммавий ахборот воситалари интервьюсига қараганда оммабоп ва таъсирчан жанрдир. Телеинтервью бошқа оммавий ахборот воситаларининг интервьюсига тўлалигича ўз ифодасини топмаган жараёнлилик хусусияти бор. Яъни бу интервью суҳбатдошнинг уйида, иш жойида ёки таълим даргоҳида олиниши мумкин. Яъни бунда суҳбат мавзуини акс эттира оладиган муҳит телевидение хусусиятларидан келиб чиқиб интервью учун яратилади.

Суҳбатдошнинг иш жойи, қай тарзда ишлаши ҳақида ўша ернинг ўзида, иш жараёнида олинган интервью ҳам томошабин диққатини ўзига тортади, ҳам қизиқарли ҳисобланади. Шунингдек, бу телеинтервьюни кўшимча унсурлар, маълумотлар, яъни суҳбатдош қандайлиги, оила аъзолари билан ўзаро муносабати, қизиқишлари ҳамда уни таниган ва билганларнинг фикрлари билан бой ва таъсирчан бўлишига эришиш мумкин.

Телеинтервьюга ҳаққонийлик ва ифодалилик каби хусусиятлар ҳам хос бўлиб, уларнинг суҳбат сифати ва оммабоплигини оширишда ҳиссаси катта. Телеинтервьюнинг томошабин кўз ўнгида, объектив содир бўлиши унинг ошқоралигини таъминласа, интервьюер ва респондент ўртасидаги ўзаро самимий маданиятли мулоқот ифодалилик ва ҳаққонийлик демакдир. Телеинтервьюни мавзуга мос муҳитда ўтказиш тасвирийлик бўлса, томошабин маълумотни айнан бирламчи манбани кўра туриб олаётганлиги аниқлиқ хусусиятидир. Телеинтервью суҳбатдошнинг кимлигига ва интервью мавзуига мос муҳит яратиш ижодий жамоанинг вазифасидир. Агар суҳбатдош футболчи бўлса, телеинтервью стадионда, раққоса бўлса рақс хонасида, учувчидан эса ҳаво кемасида олиниши мақсадга мувофиқдир. Негаки, суҳбатдошнинг айнан ўзигагина мос ва хос муҳит суҳбатнинг самимий ва жонли ўтишини таъминлайди. Агар журналист ижодий гуруҳини

жойларга олиб чиқиб оввора қилишни хоҳламаса бундай муҳит студияда, макетлар воситасида ташкил қилиниши лозим. Лекин студия муҳити журналистга қанчалик яқин бўлса, суҳбатдошга шунча бегона. Бу вазиятда эса журналист албатта респондент ҳаяжонини бартараф этиб, студия телеинтервью учун энг қулай жой эканлигини унинг онгига сингдириш керак.

Телевидениеда студияда амалга ошириладиган тавсирга олиш жараёнларнинг аксарияти интервью ёхуд суҳбат жанрига асосланади. Бундан телелотореялар ҳамда муסיкий композиторлар мустасно.

Охирги пайтда телевидениедаги рекламалар ҳам интервью воситасида янада таъсирли, жозибали ва ишончли акс этаяпти.

Давра суҳбати (стол атрофидаги интервью), диалог ва интервью фикр студияда тасвирга олинадиган интервью турлари саналади. Боиси, уларнинг жанр табиати ва бошқа хусусиятлари студия учун мос ва хосдир.

Портрет интервьюни тайёрлаш учун ҳам кўпгина журналистлар студияда тасвирга олишни маъқул кўришади. Лекин студиядаги тасвирга олиш портрет интервьюнинг бир қисминигина ташкил этиши лозим. Боиси, телеасар ҳаётий ва жонли таъсирларни талаб этади.

Матбуот анжуманини ёритиш учун тележурналистларга янада юксакроқ талаб қўйилади. Бунда телеидение матбуот анжуманини тўла қамраб олиши, савол бераётган журналист унга жавобни ҳам изчилликда оммага етказиши лозим. Аслида телевидениенинг имкониятларидан келиб чиқиб матбуот анжуманини ҳам тўғридан тўғри эфирга узатиш керак. Бироқ ҳозирда матбот анжуманлари ҳам жрналист ижод намунаси сифатида экран юзини кўраяпти. Яъни кириш фикрлари, қисқартирилган савол-жавоблар тизими ва журналистнинг сўнг сўзи матбуот анжуманидаги фактларни умумлаштириб эфирга узатапти. Ахборот дастурларида эса матбуот анжумани ҳақида қисқа хабар берилади. Телекўрсатувлар тизимида диалог интервью турларининг ҳам ўз ўрни бор.

Сукут интервью жанрини эса телевидение учун яралган десак муболаға бўлмас. Негаки, журналист саволига жавоб бера олмаслик ёхуд жавоб беришни истамаслик сукут интервьюда яққол намоён бўлади. Одатда бу интервью туридан таҳлилий-танқидий кўрсатувларда фойдаланилади.

Ҳар бир оммавий ахборот воситасининг интервьюси ўзига хосдир. Уларнинг журналистик асарлар тизимида ҳам ўз ўрни бор. Журналистлар ким? нима? қачон? қаерда? нима учун? сингари саволлар орқали мавзу (воқеа ёки ҳодиса) маҳиятини таҳлил қилар эканлар матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам интервью ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Телевидение ва радио фаолиятида яширин камера ва диктофон орқали ёзиб олинadиган интервьюлар ҳам борки, улар агар:

- конституцион меъёрлар ва инсон ҳуқуқларига путур етказмаса;
- ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, кўпчилик манфаати учун хизмат қилса, қўлланилиши мумкин ҳисобланади.

Бу усулда интервью олиш хавфли бўлиб, одатда уни журналистлар ўзларини танитмаган ҳолда олиб боришади ва кўпинча респондентга изоҳловчи-аниқловчи саволлар беришади.

Теледастурдаги интервью, айниқса, ўзига хосдир. Хабарда, танқиду очеркда ҳам уни бемалол кўриб кузатиш мумкин. Матбуотдаги интервьюда интервьюернинг хатоларини матн кўрсатиб берса, радиода жонли овозни эшитиб адабий тил меъёрларини журналистика қонуниятларига қанчалик амал қилинаётганлиги аниқланади. Бироқ телевизорда интервьюернинг ҳам суҳбатдошнинг ҳам хатолари томошабин кўз ўнгида содир бўлади (кўрсатув агар беосита эфирда кетаётган бўлса ҳам хато монтаж қилиш жараёнида олиб ташланмаса). Телевидениедаги интервью ҳақида гапирганда мухбирлар, аввало, ундан керак ва керакмас ўринларда фойдаланишларини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, янгиликлар ва ахборот дастурларида баъзи журналистлар интервьюни қўйиш шарт деб билишади. Ўзлари бирон-бир воқеа ҳодисанинг тафсилоти-ю, уни ўтказишдан мақсад нима эканлигини эътироф этиб,

респондентдан яна мақсадини сўраб такрор фикрни эфирга узатишади. Мухбирларнинг фаолиятини кузатганда суҳбатдошдан мақсадни сўраш улар берадиган саволларнинг 50%ини, савол бермасдан микрофон тутиш 20%ни, таассуротлар ҳақидаги, оригинал ва нимани сўрашни билмай тасодифий бериладиган саволлар 30%ни ташкил қилишига гувоҳ бўлдик. Тўғри журналистика асарида, хусусан, берилаётган ахборотда мақсад акс этиши керак. Аммо Бирон-бир воқеа-ҳодиса ёки тадбир тафсилоти мақсаддангина иборат эмас-ку. Унинг тарихи, тадрижи, истикболи ва фаол иштирокчилари ҳақида сўралса ҳам қизиқ маълумотлар олиш мумкин. Демак, мақсадга ёпишиб олиш шарт эмас, балки, аввало хабарнинг ёки лавҳанинг тўлақонли чиқишида нималар етишмаётганлигини аниқлаш ва уни савол орқали аниқлаштириш лозим. Телеинтервьюларда суҳбатдошга кутилмаган саволлар бериш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бундай савол эса мавзуга қайсидир жиҳати билан алоқадор бўлсагина ўзини оқлайди. Акс ҳолда у суҳбатдошнинг фикрни буткул чалғитиши, бунинг натижасида эса респондент айтмоқчи бўлган маълумотларини ҳам ёдидан чиқариши мумкин. Шу ўринда «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси»даги айни интервью жанри орқали телетомошабинларга етказилувчи кўрсатувларга тўхталсак. «Интервью» номи остида муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий мавзуларда шу соҳанинг мутасаддилари, сиёсатчилар, давлат арбоблари, умуман, илму зиё аҳли билан ўтказилаётган интервьюларни кузатиб олган хулосаларни баён этамиз.

«Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови хусусида ўтказилган интервьюни рисоладагидек тайёрланган дейиш мумкин. Бироқ бунда суҳбатдош кадрда жуда кўп қолиб кетганлиги, журналист саволларни бир йўла қўшалок қилиб беришини журналистика қоидалари оқламаслигини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Қўлида тайёр матн бўла туриб, мавзунинг ҳам турли қирраларини мулоҳаза қилгандан сўнг ҳам суҳбатдошига меъёрида биттадан савол бермаслик томошабинни ҳам суҳбатдошни ҳам чалғитадиган ҳолатдир.

Дастурдаги деярли барча саволлар қўшалок ифода этилган, шунингдек, муаллиф респондентни бир марта таништириб кейин у ҳақда эслатма ҳам бермади. Бу жиҳатни эса дастурнинг деярли ҳамма сониди учратиш мумкин. Қуйида дастурда берилган қўшалок саволларни баён этиб, уларни изоҳлаб ўтамиз:

«- Кўрик-танловни муайян фанлар бўйича ўтказишдан кўзланган мақсад нимада ва «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» йўналиши бўйича дастлабки танлов ўз олдига қўйган вазифани нечоғли бажара олди?

- Ушбу кўрик танловга бўлган қизиқиш жойларда қандай? Умуман бундай тадбирлар педагог кадрлар учун нима беради?»¹

Муаллиф Зоир Қурбонов дастур аввалида танловнинг мақсадини баён этганди. Шунинг учун ҳам яна мақсад ҳақида сўраш мантиксизлик. Бу ўринда моҳиятга чуқурроқ кириб борилгани маъқул. Саволнинг иккинчи қисмида эса услубий ғализлик бор. Бу ўринда фақат дастлабки танлов эмас, умуман бу тадбир ўз олдига қўйган вазифани нечоғли бажара олаётганлигини сўраш мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, танлов ўтказила бошлаганлигига кўп йиллар бўлган. Шу жиҳатдан унга дастлабки танлов дейиш нотўғри. Кейинги саволларга келсак, уларда сўзлар ноўрин қўлланилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, «жойларда ушбу кўрик – танлов қандай ўтаяпти» дейилса жумла ифодалироқ бўларди.

Шу ўринда «Ҳафта мавзуи»даги журналист нутқига тўхталадиган бўлсак у баъзан аниқ ва раво, айрим ҳолларда эса ҳаяжонланиб, бир оз тутилиброқ гапиришини айтиб ўтиш керак.

Кўрсатувнинг маънавият, маданият ва глобаллашувга бағишланган сониди стилистик ва мантикий хатоларга йўл қўйилган. Сухбатдош университет ўқитувчиси бўлгани боис интервьюер унга талабалар сингари домла деб мурожаат қилди. Ўзбек тилининг имловий луғатида эса «домла» сўзи мадрасадаги мударрис ёки имом хатибга нисбатан ишлатилиши кўрсатилган. Дастурда умумий фикрлар жуда кўп ифодаланган бўлиб,

¹ Интервью. – ЎЗМТРК, 2011, декабр

саволлар ҳам ўша-ўша қўшалок ва узун жумладан иборат. Мавзунинг энг муҳим жиҳатлари саволлар орқали очилган бўлса-да, лўндалик етишмайди, муаллифга.

«- Домла сир эмаски, бугунги глобллашув жараёнига ахборот оламидаги янгиликлар ниқоби остида миллий урф-одат ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган ғоялар, қарашлар кириб келмоқда. Афсуски, айрим ғўр ва тажрибасиз ёшлар уларни «европача маданият» ва «эркинлик» сифатида қабул қилишяпти. Айтингчи, бундай ҳолатлар миллатимиз келажагига қандай таъсир кўрсатади? Ёшларни бундай салбий таъсирлардан асраш учун нималарга эътибор бериш зарур?»¹

Бундай саволларни кўпчилик, аввало охиригача эшитиши, қолаверса эслаб қолиб равои жавоб бериши мушкул. Боиси, аввало мавзунинг долзарблиги бўлса, иккинчиси, бундай саволга ҳар бир жумлани теран мушоҳада қилиб, сўнг жавоб бериш ўринли саналади. Агар саволлар ушбу интервью мурожаати каби ифода этилса, унга тўлақонли, аниқ ва мазмунли жавоб олишга умид қилмаса ҳам бўлади. Шунингдек, муаллиф мавзуга одатда саволлар билан ёндашган. Унда томошабинни қизиқтирувчи фактлар, мавзуга оид воқеалар ривожининг тадрижи ҳамда тасвирлари йўқ, гапларнинг аксарияти куруқ, умумий ва кўпчиликка, хусусан, ёшларга аҳамиятсиз. Боиси улар ахборот беришга хизмат қилмаяпти. Демак, бу интервью ахборий жанр сифатида ўз мақсадини оқламаган, агар уни бу ўринда таҳлил учун қўлланилган десак, таҳлил ҳам маромига, мақомига етмаган. Студияда ёзиб олишга мўлжалланган интервьюнинг давра суҳбати турига тааллуқли бўлган кўрсатувлардан яна бири «Ассалом, Ўзбекистон» дастуридир. Бу кўрсатув тез фурсатда тасвирга туширилиб, эфирга узатилиши билан фарқли бўлиб, ҳар куни унинг янги сони намойиш этилди. Бундай интервьюни бошқариш мураккаброқ бўлгани боис дастурда суҳбатларга навбату савол берилмай туриб, улар жавоб айтган ҳолатлари кузатилади. Интервьюер мавзу моҳиятини очишга қаратилган қатор

¹ Ҳафта мавзуси. – ЎзМТ. Ёшлар ЁАЖ, 2012 йил, январ

саволларни бериб, ўз навбатида унинг энг муҳим жиҳатларига мутахассислар изох беришини талаб қилса ҳам, кўп ҳолларда саволдан саволга ўтишда боғлиқлик йўқлиги кўринади.

«-Айни кунда республикамизда мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик бўйича 31 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Албатта бу жараённинг айни дамда қандай бораётгани ҳаммани қизиқтираётгани табиий. Келинг, кўрсатувимизда иштирок этаётган мутахассислар билан биргаликда шу мавзу ҳақида суҳбатлашсак».¹

Муаллифнинг ушбу нутқидан сўнг студияга мева-сабзавотчилик соҳасининг мутахассислари бу борада эълон қилинган Президент қарорини изохлашга ўтишди. Қарор юзасидан суҳбатдошларга ҳеч қандай савол берилмаганлиги, аввало интервью учун нотабиий жараён, қолаверса респондентларга йўналиш берилмаслиги уларни мавзу борасида аниқ ва энг зарур маълумотларни баён этишдан йироқлаштиради. Дастур бошловчиси Моҳинисо Камолова гарчи иқтисодиёт мавзуларида бошқа кўрсатувлар, хусусан, «Қишлоқ ҳаёти» кўрсатувини моҳиятини оча олмаган. У кўрсатувда бошловчи сифатида ўзини тутиб, суҳбатдошлар фикрини эътибор билан кузатиб борса-да, тилида бир оз шева оид сўзлар учрайди. Курс ишининг назарий қисмида таъкидлаганимиздек, ОАВ нутқи адабий тилга асосланиши ва шевадан буткул ҳоли бўлиш керак. Шу жиҳатдан, бошловчи кўрсатувда шеванинг хусусиятлари сезилмайдиган синоним сўзларни қўллаши лозим. Дастурни эътибор билан кузатсангиз у аудитория ва респондентлар ўртасида кўприк бўлишга ҳаракат қилса-да, интервьюни муносиб ташкил эта олмаган, шунингдек, муаллиф қўлида аниқ саволлар рўйхати йўқлиги ҳам яққол сезилади. Шу ўринда барча суҳбатдошлар ҳар доим ҳам тасвирга олиш жараёни олдидан ўзаро саволу жавобларда келишиб олмаганлиги кўпинча дастурдаги узилишлар, тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Лекин бу кўрсатув кўпчиликка, айниқса қишлоқ аҳолисига муҳим ахборот бериши билан қимматлидир.

¹ Ассалом, Ўзбекистон.. ЎзМТРК, 2011, 15 феврал.

Шу ўринда «Ойдин ҳаёт» ток-шоусининг бир сони ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Мавзу: Ортиқча вазн ортиқчами?

Дастурни кузата бориб унинг муаллифлари ҳар бир мавзу бўйича анча изланганликларини сезиш қийин эмас. Боиси, 50 дақиқалик савол-жавоб, баҳс-мунозара тугагунича бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш билан бир қаторда янги, ўзига хос маълумотларга эга бўлади. Демак, интервью ўз вазифасини бажаряпти. Бир нафасда бир неча саволлар бериш ушбу шоу интервьюерларига ҳам хос бўлиб, уларнинг саволи қисқа ва лўндалиги қўшалок эканлигини «ювиб» кетади.

«- Шундай тўлалик керакмикан?»¹

Сухбатдош мавзудан четлашиши билан унинг фикрни ўша заҳотиёк бўлиб, уни мавзуга йўналтириш бўйича ҳам бу журналистларнинг малакаси катта. Бироқ амалдан келишилган сценарийга кўра, аввало, бир-бирларига, сўнг сухбатдошлару, томошабинларга ҳам сўз саволлардан ҳоли эмас. Лекин унинг шижоат ва тезлик билан, хилма-хил фикрлар асосида кечиши кузатувчиларни интервью жанрининг хусусиятларини текшириб боришдан бир оз бўлса-да чалғитади. Интервьюни қурол қилиб олган ахборотлар беришларини ҳам бу ўринда билағонликка эмас, сухбатдошни йўналтиришга йўйсак маъқул бўларди.

Телеинтервьюернинг гўзал намунаси «Муҳаббат формуласи» кўрсатувида десак фикримизга қўшилсангиз керак. Муаллифнинг саволларию, бу борадаги респондент қарашлари яхлит бир композиция бўлиб, интервью сухбатдош шахсини очишга қаратилади. Лекин бу дастурни очерк дейиш хато бўларди. Боиси, сухбат моҳиятан айнан савол-жавобдан иборат бўлиб, у айрим қўшимча унсурлар, ҳаётий чизгилар билангина бойитилади.

«- Буржларга ишонасизми? Астрология фанини инкор этасизми, йўқми, аммо инсоннинг феъл-атвориға қараб қайси буржга тааллуқли эканлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бугунги қаҳрамонимизнинг

¹ Ойдин ҳаёт. –УзМТ. Ўзбекистон, 2011, ноябр

ортидан эмас, юзига гапириши, чўрткесарлиги, тўғри сўзлиги ва озгина қайсарлигидан олов буржи остида туғилганлигини тезда пайқаб олдим. Навоийшунос олим, тасаввуф илмининг тадқиқотчиларидан бири Иброҳим Ҳаққулов билан бугун биз ҳаёт ҳақида гапирамиз. Қайсарлик. Мана шу хусусият керакмikan ўзи?»¹

Муаллиф матнида ҳам савол, ҳам чуқур фалсафий фикр шунинг баробарида суҳбатдоши учун йўналиш, эркин фикр билдириш шароити ҳозирланган. Бунда интервьюер суҳбат учун самимий муҳит ташкил эта олганлигини респондентлари «очиқ», яйраб, бутун вужуди билан гапиришидан англаш қийин эмас. Энг муҳими, журналист ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ақлли фикрлар билан содда ва равои ифодаланганлигидадир. Гарчи муаллифнинг 3 ёки 4 жумласи савол билан ифодаланса-да, улар бир-бирини тақозо этиб, фикрни кучайтириб, тўлдириб бораётганлигини томошабин илғай олади. «- Ким ҳаётда қайғурмаган дейсиз? Ҳаётда қайғурмаган, дард нималигини билмаган инсон бировнинг дардига малҳам топа оладими? Ёки меҳр кўрсата оладими?...»²

Муаллифнинг ҳар бир саволи ўзига хос, аниқ фикр ва мақсадни ифодалаган бўлиб, бунда интервьюер савол беришни санъат даражасига кўтарган десак фикримизга қўшилсангиз керак. Демак, интервьюерлар сўз устаси ва юксак маданият соҳиби бўлишлари даркор. Интервьюер интервьюга ахборий восита дебю ёндашадими, ё таҳлил учун муҳим қурол дебми муҳими респондентнинг кўнглига йўл топа олса бўлгани.

Хулоса

¹ Муҳаббат формуласи. – ЎзМТРК, 2011, август

² Муҳаббат формуласи. – ЎзМТРК., 2011, август

Интервьюнинг оммавий ахборот воситаларидаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилганда, улар орасида телеинтервью энг таъсирчан ҳамда унга кўйиладиган талаблар ҳам матбуот ва радио интервьюсига нисбатан талабчанроқ эканлиги ойдинлашади. Ушбу икки ёки кўп томонлама алоқа журналистга катта масъулият юклаганлиги боис интервьюер суҳбат олдидан ёзиб олинганда ҳам, бевосита эфирга узатилаётганда ҳам ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, интервью олдидан респондент билан мавзунини муҳокама қилиб олиши, хатто савол-жавоблар жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини англай олувчи ва шунга кўра у билан муваффақиятли интервью олиб боровчи руҳшунос бўлиши кераклигини касб қонуниятлари қатори давр ҳам талаб этаяпти. Ҳозирда журналистика бутун дунёда тараккий этиб бораётган соҳа саналса-да, унинг назарияси ва амалиёти ўртасидаги узилишлар борлигини диссертацияда келтирилган мисоллар исботламоқда. Бунинг сабабларидан бири ҳозирги баъзи журналистлар назарияни яхши билмасликлари, бу соҳада таълим олмаганлар ҳамда журналистлар қатори ишлаётганлиги, ўзбек тилида журналистика қонун-қоидалари ва журналистларни алоҳида-алоҳида фарқлаб кўрсатувчи илмий адабиётлар етарли эмаслиги, шунингдек, назарий билим ўз вақтида амалий кўникма билан мустаҳкамланиб бормаслигидир. Бунга айрим журналист талабаларнинг эринчоқлиги, тил ўрганишга ва ўзига зарур адабиётларни излаб топишга иштиёқи йўқлигини ҳам сабаб қилиб келтириш мумкин. Соҳага янгилик олиб кириш ёш мутахассисларнинг вазифаси экан, интервью олиш ва тарқатишнинг ҳам янгидан янги усул ва воситаларини топиш ҳамда уларни амалиётга қўллаш борасида бугунги журналистлар тинмай изланишлари лозим.

Ҳозир ҳамма ҳам интервью беришга иштиёқманд эмас. Айниқса, масъулиятли давлат арбоблари ёхуд йирик компания ва концертларнинг мутассаддиларидан интервью олиш, тўғрироғи, интервью учун уларнинг бўш вақтини топиш мушкул. Шу боис янги давр журналистларига касбий маҳорат сирларини ўргатиш билан бирга уларда ишбилармонлик қобилиятини ҳам шакллантириш лозим. Айниқса, журналист кадрларни ҳозирда барча

соҳаларда мавжуд рақобатга жавоб бера оладиган қилиб тарбиялашнинг аҳамияти катта. Бугунги аудитория ҳар қандай журналистика асарини эмас, балки сара ва сифатли, ўзига хос ижодий намуналарнигина қабул қилиши оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир ходимига катта масъулият юклайди. Шу жиҳатдан, телемахсулот, телеинтервью ҳам мазмун-моҳияти, ифодаланиш шакли ва услубига кўра оммабоп ҳам рақобатбардош бўлиши, юқори савияда, телевидениенинг барча имкониятларини ҳисобга олиб тайёрланиши керак.

Тележурналист эса интервью жараёнида журналистикага оид қонун-қоидалар ва меъёрларга амал қилишдан ташқари, касбий одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам риоя этиши, суҳбатдоши давлат арбоби, тадбиркор ёки оддий бир киши бўлишидан қатъий назар бирдек ҳурматни ифодалаши, унга, унинг фикрига ҳамиша эътиборли бўлиши, сергаплик каби қусурлардан холи интервью тайёрлаши лозим. Интервью сифатини оширишда журналист кадрларни ихтисослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шундай йўлга қўйилса, интервьюер респондентдан эмас, балки мутахассисдан интервью олади. Журналистикага ихтисослашган таълим муассасаларида назарий ва амалий дарслар ўзаро мутаносибликда олиб борилиши йўлга қўйилган бўлса-да, бу йўналишда малака ошириш курслари ва маҳорат мактаблари ташкил этиш ҳамда оммавий ахборот воситлари вакилларни вақти вақти билан аттестациядан ўтказиш яхши самара беради.

Хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кетаётган туб ўзгаришлардан оммани хабардор қилувчи ОАВнинг ўзида ҳам тубдан ўзгаришларни давр талаби асосида босқичма-босқич амалга ошириш керак. Шундагина ўзбек журналистикаси жаҳоннинг илғор журналистикаси билан тенглашади ва давр билан ҳамнафас бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тўртинчи ҳокимият // қонунлар, қарорлар, тадбирлар. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -160 б.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -440 б.
3. Ирназаров Қ.Т., Маматова Ё.М. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. –Т.: Юнеско, 2002. -200 б.
4. Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қоидаси. –Т.: Шарқ, 2002. -158 б.
5. Прохоров Е.ХП. Введение в теорию журналистики –М.: Аспект Пресс, 2002. -322 б.
6. Смирнов В.В. Жанры радиожурналистики. –М.: Аспект Пресс, 2002. -288 б.